



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 28 декабрь, № 271 (8894)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 декабрь куни сунъий интеллект технологияларини ҳамда телекоммуникацияларни ривожлантириш бўйича режалар тақдироти билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизни минтақавий IT-хабга айлантириш вазифаси белгиланган. Шу мақсад йўлида рақамли технологиялар босқичма-босқич ривожлантириб келинмоқда. Барча ҳудудда IT-парклар ташкил этилиб, бу соҳада ўқиш ва ишлаш учун имконият кенгайди. Интернет тезлиги ва қамрови ошди. 190 мингдан зиёд аҳоли ишли бўлди.

Сўнгги йилларда соҳада 3 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилган. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 2017 йилдагига нисбатан 8,5 баробар ўсиб, уларнинг сони мингтадан ошган. Бугун соҳа вакилларининг ҳар ўнтадан биттаси шундай халқаро корхона. Шунингдек, етти йил аввал 12 та экспортчи корхона бўлган бўлса, бу йил 650 та бўлди. Йил якуни билан ахборот технологиялари ва алоқа хизматлари экспорти 900 миллион доллардан ошди.

Ҳаётнинг турли жабҳаларида сунъий интеллектни қўллаш кенгаймоқда. Шундай технология асосида 20 дан ортиқ лойиҳалар ишга тушди. Тармоқ ва йирик корхоналар бўйича яна 70 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Сунъий интеллектга тайёрлик халқаро индексига Ўзбекистон 17 поғонага кўтарилди.

Бу йўналишга эътиборнинг давоми сифатида, Ўзбекистон Президентининг шу йил 14 октябрдаги қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Унда сунъий интеллектга асосланган дастурий маҳсулотлар ва хизматлар улушини кўпайтириш, техник инфратузилмани кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш каби қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Тақдимотда рақамли технологиялар вазири келгуси йилга мўлжалланган режалар ҳақида ахборот берди. Жумладан, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида “булутли” маълумотлар маркази ишга туширилади. Стартапларга шaroит яратиш учун Тошкент ахборот технологиялари ва Инха университетларида сунъий интеллект бўйича лабораториялар очилади. Давлат идораларининг 3 минг нафар ходими, ҳокимлар ва ўринбосарларининг бу борадаги малакаси оширилади.

Мутасаддиларга сунъий интеллект асосида ишлайдиган лойиҳалар сони 100 тага, дастурий маҳсулот-

лар ва хизматлар ҳажмини 50 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Тармоқ корхоналарида бошланган трансформация ижобий натижа берапти. Шу йилнинг ўзида телекоммуникация хизматлари ҳажми 16 фоизга ошиб, 21 триллион сўмга етган. “Ўзбектелеком” компанияси даромади 9 триллион сўмдан ошган.

Энди келгуси йил бошқарувни тўлиқ рақамлаштириб, харажатларни иқтисод қилиш, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув таъминотларини жорий этиб, халқаро рейтингни олиш зарурлиги таъкидланди.

“Ўзбекистон почтаси” тизимида ҳам ўзгариш бор. Бу йил тушумлар 1,4 баробар, экспорт 20 фоиз ошган. Янги турдаги хизматлар жорий қилингани натижасида жўнатмалар сони 50 фоиз кўпайган.

Режага кўра келаси йил 1 минг 600 та почта бўлинимасида электрон тижорат маҳсулотларини топшириш йўлга қўйилади. Рақамли саралаш маркази очилиб, бундай товарлар ва почта жўнатмаларига ишлов бериш сифати яхшиланади. Бу мақсадлар учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан маблағ жалб қилинади.

Соҳа учун муҳим асос — “Телекоммуникациялар тўғрисида”-ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Энди унга таяниб барча тармоқ ва ҳудудлар кесимида рақамлаштириш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқиши белгиланди.

Жумладан, келгуси йилда 6 мингта янги таянч станция қурилади. 30 минг километр оптик толали кабель тортилиб, қамрови 98 фоиз бўлади. Соҳа экспорти 1,2 миллиард долларга етказиш чоралари кўрилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилаётган Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳақидаги қонун ишлаб чиқиши соҳа ривож учун яна бир катта янгиллик бўлади. “Enterprise Uzbekistan” номли ушбу марказда “инглиз ҳуқуқи” тамойиллари, капиталнинг эркин ҳаракати, халқаро стандартдаги меҳнат муносабатлари, хорижий банк филиаллари йўлга қўйилмоқда.

Тақдимотда сунъий интеллектга доир қонуний асосларни яратиш, рақамли технологиялар соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХИТОЙ — ҚИРҒИЗИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Аввало, сиз, азизларни Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон янги магистраль темир йўли қурилиши бошланиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бундан ярим йил олдин мазкур стратегик трансминтақавий лойиҳани амалга ошириш бўйича биринчи тўлақонли битим имзоланган эди. Ўтган қисқа даврда техник ҳужжатларни тайёрлаш ишлари якунланди. Бугун эса биз бевосита қурилиш ишларига старт бермоқдамиз.

Бу дўст мамлакатларимиз салкам 30 йил давомида интилиб келган том маънодаги тарихий воқеадир.

Сизларнинг иштирокингизда халқаро аҳамиятга эга бўлган янги транспорт артерияси яратилмоқда. У Марказий Осиё минтақасини Хитой билан қисқа ер усти йўли орқали боғлайди, давлатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва стратегик шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат — ушбу лойиҳа ҳамкорликда барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида қўллаб-қувватлашнинг бирлаштириб ке-

лаётган “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги эзгу мақсадларга тўлиқ мос келади.

Шу муносабат билан ҳурматли ҳамкасбларим — Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Қирғиз Республикаси Президенти Садыр Нурғожиевич Жапаров жанобларига лойиҳани илгари суриш борасидаги шахсий ҳиссалари ва фаол саъй-ҳаракатлари учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этаман.

Ҳурматли маросим иштирокчилари!

Янги темир йўл қурилиши мамлакатларимиз иқтисодиёти ва бепеён минтақамиз учун катта самара беришини алоҳида қайд этишни истардим.

Инфратузилма соҳасидаги ушбу йирик лойиҳа илғор муҳандислик, инновация ва рақамли ечимлар асосидаги кенг кооперацияни, юқори экологик стандартларга амал қилишнинг назарда тутди.

Кошғар — Торугарт — Макмал — Жалолобод — Андижон йўналиши бўйича 20 та станция, 42 та кўприк, 25 та тоннель барпо этилади. Бундан ташқари, замонавий транспорт-логистика инфратузилмаси, омборхона ва терминаллар қурилади.

Ҳисоб-китобларга кўра ушбу магистраль йўлнинг ишга туширилиши минтақавий савдо ва инвестициялар ҳажмини бир неча баробар кўпайтириш, транспорт харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, Марказий Осиёнинг улкан транзит салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Куйидаги муҳим рақамларга ҳам эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ушбу йўл орқали йилга 15 миллион тонна юк ташилади. Хитойдан Европа мамлакатларига юкларни етказиб бериш масофаси ва муддати бир неча минг километр ва деярли бир ҳафтага қисқаради. Йўловчиларни мунтазам ташишни йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади.

Келгусида ушбу темир йўл линияси Трансафғон йўлаги билан туташиб, Хитой, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасидаги транспорт-коммуникация тармоқларини самарали бирлаштириш ва кучайтиришга имкон яратади. Бундан, ҳеч шубҳасиз, барча мамлакатлар иқтисодий фойда кўради. Юзлаб янги корхоналар ва ўн минглаб иш ўринлари яратилади.

Албатта, мазкур лойиҳа Буюк Ипак

йўлининг қайта тикланишига, маданий-гуманитар алмашувлар ривожига, халқларимизнинг янада яқинлашувига хизмат қилади.

Қадри дўстлар! Ўзбекистон мавжуд техник ва интеллектуал ресурсларни тўлиқ ишга солган ҳолда бугун бошланаётган қурилишнинг барча босқичларида фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли ушбу темир йўл тармоғи барча босқичларда дўстлигимиз, шериклик ва тараққиётимизнинг яна бир ёрқин тимсолига айланади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу стратегик лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган барча қувруч ва муҳандисларни, ишчи ва мутахассисларни кириб келаётган Янги — 2025 йил билан чин дилдан табриклайман. Сизларга сикхат-саломатлик, катта ютуқ ва омадлар тилайман.

Бугун сизларнинг бунёдкор саъй-ҳаракатларингиз билан бошланаётган улкан лойиҳа мамлакатларимиз ва минтақамизнинг умумий келажаги ва равнақи учун хизмат қилсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Мушоҳада

Муқобил транспорт коридорларини барпо этиш борасидаги тарихий воқелик

Кеча Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон янги магистраль темир йўли қурилишига старт берилди. Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев маросим иштирокчиларига йўлаган мурожаатида халқаро аҳамиятга эга бўлган янги транспорт артерияси яратилаётганини, бу мамлакатлар иқтисодиёти ва бепеён минтақамиз учун катта самара беришини алоҳида қайд этди.

Авваломбор, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик мақомига эга. Транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик эса икки давлат сиёсий манфаатларининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўртасидаги мунтазам учрашувлар ҳамда олий даражадаги мулоқотлар ушбу лойиҳанинг тезкор бошланишида муҳим омил бўлди. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли Ўзбекистон — Хитой сиёсий диалогини кучайтиради, минтақада геосиёсий вазият барқарор бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, савдо, инвестиция ва технологиялар алмашинуви янги босқичга олиб чиқа-



ди. Минтақавий дипломатия ва хавфсизлик соҳаларида кўприк вазифасини бажариб, ҳамкор давлатлар ўртасида узок муддатли барқарорликни кафолатлайди.

Ушбу темир йўл лойиҳаси минтақа давлатлари ўртасида транспорт-коммуникация алоқаларини янги босқичга олиб чиқади. Бир томондан, Ўзбе-

кистон, Қирғизистон ва Хитой ўртасидаги логистика занжирини кескин қисқартириш, юк ташиш харажатларини камайтириш ва транзит муддатини оптималлаштириш имкони яратилади. Иккинчи томондан, бутун Марказий Осиёда мавжуд транзит йўлларида муқобил бўлган янги йўналиш пайдо бўлади.

➡ 2

«ЙИЛ АЁЛИ» АНИҚЛАНДИ

Жорий йилнинг 27 декабрь куни “Йил аёли” миллий танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов

Маросимни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан очиб берди.

Тадбирда янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётида хотин-қизларнинг иштироки тобора кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Соҳага доир халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси такомиллаштирилиб, юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

Бугун хотин-қизларнинг

давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, табдиркорлик соҳасида 37 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг 27 фоизи, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 25 фоизини аёллар ташкил этаётди.

Вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда хотин-қизлар улуши 2018 йилда қарийб 3 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган даврда икки баробар ошиб, 5,7 фоизга етди.

Мамлакатимизнинг гендер тенглик соҳасидаги эришган ютуқлари халқаро даражада муносиб эътироф этилмоқда. Ўзбекистон 2024 йилда Гендер тенглик ва бошқарув индекси бўйича 72,8 балл тўплади. Натижада 2022 йил қайд этилган 103-ўриндан 51 та поғонага кўтарилиб, 52-ўринни эгаллади.

➡ 2

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида табдиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йил якунлари ва 2025 йилга асосий режалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ҳамда етакчи табдиркорлар билан мулоқотдан:

- шу йилнинг ўзида хусусий секторда даромад солиғи тўловчилар сони **365 мингга** кўпайди;
- 2025 йил 1 январдан бошлаб ер ёки давлат мулки **қўшимча қиймат солиғи-сиз** сотилади, мобил алоқа учун акциз солиғи (10 фоиз) бекор қилинади;
- шаҳар чегарасидаги қишлоқ ерларига солиқни **2 карра** ҳисоблаш тўхтатилади;
- нашриёт корхоналари фойда солиғини тўлашдан **5 йилга** озод этилади. Бундан ташқари, IT-парк резидентларига барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этиш бўйича имтиёзлар 2040 йилгача узайтирилади;
- хусусий мактаб ва боғчалар, хорижий ўқитувчи ва мутахассислар учун берилган барча солиқ имтиёзлари **2030 йилгача** амал қилади.



Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН — БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИЗНИНГ МУҲИМ СТРАТЕГИК ШЕРИГИМИЗ

Ўзбекистоннинг хитойлик дўстлари Янги йил байрами арафасида 2024 йилдаги ҳамкорлик якунларини сарҳисоб қилмоқда ва самимий тилаклар билдирмоқда.

2024 йилнинг якунланаётган кунларида Ўзбекистоннинг Хитойдаги ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва эксперт доиралари вакиллари “Дунё” ААҒа ўзаро ҳамкорлик натижалари, шунингдек, алоқаларнинг замонавий ривожланишига ўз муносабатини билдиришди.

Лиу ЧУН, Хитой машинасозлик ва электрон маҳсулотлар импорти ва экспорти бўйича палатаси вице-президенти:

— Савдо палатамиз Хитой корхоналари ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиб келмоқда.

Ўзбекистон томони билан савдо, инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларида жуда яқин ҳамкорлик қиляпмиз. Ўтаётган йилда ушбу йўналишларга бағишлаб қўллаб-қувватлаш барча муносабатларимизни янада кучайтирди.

Хитой компаниялари Ўзбекистон-

даги савдо ва инвестициявий муҳит ҳамда хорижий инвесторлар учун яратилган имкониятлар ҳақида маълумотга эга бўлмоқда. Айниқса, бугунги кунда савдо палатамизга аъзо қўллаб-қувватлаш Хитой компаниялари электромеханика саноати, қурилиш, ишлаб чиқариш фабрикаларини барпо этиш соҳасида Ўзбекистонга сармоя киритмоқда.

➡ 3

ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРИЛДИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 25 декабрь куни Қозоғистон Республикасининг Оқтоу шаҳрида “Озарбайжон ҳаво йўллари” авиакомпаниясининг йўловчи самолёти ҳалокатга учради.

Мазкур фожиа барчанинг қалбини ларзага келтирди.

Ушбу муҳдиш ҳодисада жабр кўрган Озарбайжон, Қирғизистон, Россия ва Қозоғистон фуқароларининг оила аъзоларига, яқинларига Ўзбекистон Республикаси Президенти, парламенти ва ҳукумати чуқур таъзиясини билдирди.

Жумладан, бугун Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Озарбайжоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасига ташриф буюриб, элчи ва у орқали бутун қардош Озарбайжон халқига ҳамдардлигини билдирди.

Аввалроқ мазкур ҳалокат муносабати билан Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева парламент юқори палатаси номидан халок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдириб, талафотдан жабрланганларнинг барчасига тез орада соғайиб кетишни тилаб, Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси Раиси Сахиба Гафаровага хат йўллаган эди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенатида сенаторлар ва ички ишлар органларининг бир гуруҳ ёш ходимлари билан учрашув ташкил этилди.

Унда Сенатнинг асосий вазифалари, ваколатлари, қонунчилик фаолияти ва парламент назорати доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил тушунтириш берилди, долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, очиқ мулоқот шаклида ўтказилган уч-

рашувда юртимизда ёшларга катта эътибор берилаётгани, уларга яратилаётган шарт-шароитлар эътироф этилди. Сенат ва унинг ҳузуридаги Ўшлар парламенти фаолиятидаги янгиланган ҳақида фикр алмашилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олди.

Учрашувдан сўнг Сенат биноси бўйлаб экскурсия ташкил қилинди.

«Халқ сўзи».

«ЙИЛ АЁЛИ» АНИҚЛАНДИ



Ушбу индекс 158 та мамлакатни қамраб олиб, гендер тенгликка эришиш йўлида муваффақият ва камчиликларни аниқлаш имконини беради.

Тадбиркор аёллар сони икки баробар кўпайиб, 205 мингдан ошди. Аёлларни касб-хунарга ўқитиш, уларга имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратиш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, “Йил аёли” миллий танлови Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги Фармони ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 27 апрелдаги тегишли қарорига мувофиқ ҳаётда фаол иштирок этаётган, ҳар жиҳатдан ибратли хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш ҳамда илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда мазкур танловнинг туман (шаҳар) босқичларида 3 091 нафар аёл қатнашди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида 1 146 нафар хотин-қиз иштирок этиб, 150 нафари республика босқичига йўлланмани кўлга киритди.

Танловда иштирокчилар 12 та номинация бўйича, шунингдек, биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари тегишли тартибда мукофотланди.

Қорақалпоғистон Республикасидан иштирокчи Нигора Палванова “Йил аёли” миллий танловининг олий соврини — Гран-при соҳиби бўлди. Голиб Президент совғаси — автомобиль билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Вазифалар ижросида самарали ҳамкорлик ўрнатади

Президентимиз 20 декабрь куни тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йил якунлари ва 2025 йилга асосий режалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилиши ҳамда тадбиркорлар билан мулоқотида амалга оширилаётган ишлар билан бирга, келгусида бизнесни ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси “2025 йилда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш йўлида самарали ҳамкорлик ўрнатиш” мавзuida давра суҳбати ташкил этди.

Таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийоти ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Охириги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити тубдан яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Тадбиркорлар билан ишлайдиган, уларнинг ҳақ-хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган Бизнес-омбудсман, Бош вазир қабулхонаси сингари бутунлай янги институтлар фаолияти йўлга қўйилгани натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирди.

Юртимизда 20 август — Тадбиркорлар куни этиб белгиланди. Сана муносабати билан давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан бевосита очиқ мулоқоти йўлга қўйилгани ноёб амалиёт бўлди. Жорий йилнинг ўзида тадбиркорлар фаолияти учун муҳим бўлган 5 та қонун, 101 та Фармон ва қарор қабул қилингани юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга кенг имконият яратди. Хусусан, солиқ ставкаларининг камайтирилиши, асоссиз ва оқонуний текширувларга барҳам берилиши, айрим молиявий жарималарнинг бекор қилиниши мамлакатда тадбиркорлик муҳитининг ижобий томонга кескин

«Халқ сўзи».

Шунингдек, саноат тармоқлари ва Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги уюшмалар фаолияти, транспорт хизматларининг кенгайиши, туризм, рақамли хизматларнинг ривожланиши борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳам муҳокама қилинди. Депутатлар томонидан мазкур масалалар бўйича бир қатор таклифлар берилди.

Яқунда тадбиркорларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунчилигимизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар қилиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИГА МОС ТАШАББУСЛАР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербургда бўлиб ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи мақомида иштирок этди.

Учрашувда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз сўзининг аввалида сўнгги йилларда мамлакатимиз кузатувчи сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан 22 та йўналишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйганини таъкидлади.

2024 йили мамлакатимизнинг иттифоқ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 11 фоизга ошди. Октябр ойида Евроосиё иқтисодий комиссияси билан савдо, саноат, молия, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 га яқин чора-тадбирларни ўз ичига олган янги уч йиллик ҳамкорлик режаси қабул қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон мазкур иттифоқнинг савдо ва юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги қатор тармоқ дастурларида фаол қатнашмоқда.

Кобулжон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ГЛОБАЛ ГУМАНИЗМ ТАМОЙИЛИГА САДОҚАТ

Уруш ҳудудларида азият чеккан фаластинлик 100 нафар бола ва аёл уларнинг ҳамроҳлари билан бирга Ўзбекистонга олиб келинди. Ушбу эвакуация Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан икки давлатнинг Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь куни навбатдан ташқари араб-ислом саммитида сўзлаган нутқида бир нечта хайрли ташаббусларни илгари сурган, жумладан, урушда жабрланган фаластинлик болалар ва аёлларни Ўзбекистон шифохоналарида бегараз даволашга тайёр эканини айтганди.

Ушбу хайрли ташаббус натижа-сида эвакуация қилинган фаластинликлар даволаниш ва соғлигини қайта tikлаш учун реабилитация марказлари ва шифохоналарга жойлаштирилди.

Ўзбекистон ҳар доим инсонпарварлик тамойилларига содиқ давлат сифатида танилган. Жаҳоннинг турли бурчларида юз бераётган оғир вазиятларга беварқ қолмаган Ўзбекистон яна бир бор ўзининг бағрикенглик ва инсонийлик қадриятларини намоён этди.

Фаластиндаги оғир гуманитар вазият муносабати билан фаластинлик фуқароларнинг юртимизга даволаниш ва tikланиш учун олиб келингани, бу нафақат инсонпарварлик тимсоли, балки халқлар ўртасидаги биродарликнинг ёрқин кўринишидир.

Давлатимиз раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган бу

саъй-ҳаракатлар чуқур ҳамдардлик туйғусининг ифодаси ўлароқ, Ўзбекистоннинг тиббий муассасалари фаластинлик беморлар учун ўз эшикларини очди, энг малакали шифокорлар уларнинг соғлиқларини tikлаш учун барча зарур чора-тадбирни амалга оширмоқда.

Айни чоғда бу инсон қадрини ва ҳаётини қадрлаш ҳамда глобал ҳамдардлик тамойилига содиқликнинг яна бир исботи бўлди. Ўзбекистон нафақат ўз фуқароларига, балки бошқа халқларнинг оғир кунларида ҳам ёрдам қўлини қўзғашга тайёр эканини намойиш этаётди.

Ушбу кўмак, ўз навбатида, фаластинликларнинг нафақат соғлиғи tikланишига, балки ҳаётга бўлган ишончининг ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг бу каби инсонпарварлик ташаббуслари халқаро ҳамжамиятга ҳам улкан сабоқдор — ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик ва бағрикенглик доимо устувор бўлиши керак. Ишонамизки, бундай неқбин саъй-ҳаракатлар дунёда тинчлик ва тўтовлиқнинг барқарорлашувига қўшилган яна бир ёрқин намуна бўлиб тарих зарварақларига ёзилмаж.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Муқобил транспорт коридорларини барпо этиш борасидаги тарихий воқелик



Бу нафақат минтақа ичидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди, балки Европа ва Осиё ўртасидаги халқаро транспорт йўлларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Натижада Марказий Осиё минтақасининг глобал савдо-сотик тармоқларидаги ўрни ошади, рақобатбардошлик кучаяди. Хусусан, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида мультимодал транспорт коридорларини ривожлантиришда яна бир мустаҳкам пойдевор яратилади, бу эса халқаро иқтисодий ва геосиёсий интеграцияни кучайтиради.

Ушбу темир йўлнинг аҳоли турмуш тарзига таъсири хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг ишга туширилиши билан юк ташиш харажатлари сезиларли даражада камайиши кутилади. Натижада четдан келтирилаётган товарларнинг нархи арзонлашиши, маҳаллий ишлаб чиқариш учун хомашё ва бутловчи қисмларнинг ўз вақтида ва арзонроқ етиб келиши таъминланади.

Темир йўл атрофидаги инфратузилма, логистика марказлари, чегара постлари, хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланиши сабабли минглаб янги иш ўринлари пайдо бўлади. Бу эса аҳоли бандлиги ва даромадларини оширади.

Савдо-иқтисодий интеграция кучайиши билан қўллаб кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз махсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқаришда имкониятларини кенгайтиради. Турли давлатларнинг инвестициявий оқими йўл бўйлаб жойлашган шаҳарларга, туманларга кириб келиши тўғрйли ҳудудлар инфратузилмаси янгиланади.

Транспорт тизимининг такомиллашуви тиббиёт, таълим, туризм каби соҳаларда ҳам тезкор алмашувни кучайтиради. Минтақа аҳолисининг катта қисми Ўзаро қатнов имкониятлари кенгайганидан манфаатдор бўлади, бу эса ижтимоий алоқаларнинг ривожланишига, турмуш тарзининг яхшиланишига хизмат қилади.

Шу ўринда инфратузилманинг қурилиши Хитой ва бошқа давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг яна қандай ривожланиш имкониятларини яратади, деган савол туғилиши табиий.

Биламизки, Хитой ўзининг йирик инвести-

циявий лойиҳалари ва молиявий институтлари орқали инфратузилма қурилишига салмоқли маблағ қиритишга тайёр. Ўзбекистон ва минтақа давлатлари бундай сармояларни жалб қилиш орқали нафақат темир йўл, балки автомобиль йўллари, энергетика иншоотлари, логистика марказларини ривожлантириши мумкин.

Хитой инфратузилма қурилиши йўналишида катта тажрибага эга. Замонавий технологияларни жорий этиш, қурилиш материалларини стандартиштириш ва сифатни ошириш бўйича ҳамкорлик натижасида Ўзбекистонда ҳам юқори малакали мутахассислар сони кўпаяди, қурилиш соҳасидаги инновацион ёндашувлар кучаяди.

Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали йирик ишлаб чиқариш ва логистика кластерларини барпо эта олади. Масалан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли атрофида транспорт-логистика хабарларни яратиш регионал кластерлар ўртасидаги иқтисодий алоқа оқимини кескин оширади.

Транспорт йўлларининг ўзаро боғлиқлиги нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва ижтимоий барқарорликни ҳам таъминлайди. Минтақа давлатлари ҳамкорлиги кучайса, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик бўйича янги механизмлар ишлаб чиқиши, жумладан, божхоналар, чегарачилар ва назорат органлари ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланади.

Хулоса ўрнида айтганда, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг ишга тушиши нафақат транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантиради, балки минтақавий интеграция жараёнларини жадаллаштиради, аҳоли фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади ва Ўзбекистоннинг Хитой билан икки томонлама ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқади. Бу йўналиш бўйича кўлга киритиладиган барча ютуқлар келажак авлодларга ҳам катта манфаат келтиришига ишонамиз.

Бобур БЕКМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва
саноат масалалари қўмитаси раиси.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШДА МАСЪУЛЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК

Хар қандай мамлакатни қудратли, миллатни буюқ қиладиган куч — илм-фан, таълим ва тарбия. Ўзбекистонда ҳамаият келажагини шакллантиришда муҳим оимил саналадиган ушбу тизимни такомиллаштириш, уни замонавий талабларга мослаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Натижада ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, келажагини мустаҳкамлашга эришиляпти.

Фикр

Яқинда давлатимиз раҳбари мактаб-гача ва мактаб таълими тизимида 2025 йилда амалга оширилаётган устувор вазифаларга оид ахборот билан танишиш жараёнида соҳани барча ҳудудда ривожлантириш, умумий таълим сифатини ошириш, бунда, айниқса, чекка туманларга алоҳида эътибор қаратиш бўйича кўрсатмалар берди. Бу бежиз эмас. Чунки таълим соҳасининг янада ривожланиши давлатимиз келажагини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, юртимизда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй бераётир. Илғор тажрибалар, янги услублар амалиётга қиритилмоқ-

да. Хусусан, жорий йил 1,5 мингта умумтаълим мактабиде ахборот тизими жорий қилингани, натижалар таҳлиладан келиб чиқиб, бу тажриба янада кенгайтирилиши кўзда тутилгани эътиборга молик, албатта. Қолаверса, ўқитувчиларга малака тоифасини беришда ҳам рақамлаштирилган тизимга ўтилгани, эндиликда тоифасини оширган педагогларга тўлганлар баллига қараб 70 фоизгача устама берилиши кўзда тутилаётгани ҳам айни мўлдошир. Бу, ўз навбатида, фидойи касб эгаларини янада рағбатлантириши мўқаррар.

Дунё таърибасида таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган энг асосий омиллардан бири — бу таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳити мавжудлиги, уларнинг ҳар жиҳатдан мустақиллиги саналади. Зеро, соғлом рақобат таълимда ўзини ўзи ривожлантиришга муҳит яратувчи катта имкониятидир.

Шу ўринда хусусий сектор ҳам на-

вқирон авлодни ҳар жиҳатдан билим-ли, интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялашга муносиб улш қўшаётганини таъкидлаш жоиз. Синалган халқаро стандартлар асосида таълим беришда илғор ўқув технологиялари ва ресурсларни қўллаш айнан нодавлат таълим ташкилотлари орқали фаол амалга ошириляпти.

Президентимиз малака синовлари тартибини такомиллаштириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, барча педагогларга тенг имконият бериш зарурлигини таъкидлаб, бу бўйича зарур кўрсатмалар берди. Мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар, муҳокама қилинган вазифалар катта масъулият талаб этадиган мураккаб жараён экани алоҳида таъкидланди.

Яна бир муҳим жиҳат, таълим ташкилотларига малакали раҳбарларни жалб этиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча манбалар ҳисобидан мактаб ва бочгалар директорлари ҳамда ўринбосарларини моддий рағбатлантириш таклифи билдирилди. Бу педагог ходимларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш баробарида таълим ва тарбия сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ушбу йўналишда давлатимиз раҳбари

томонидан белгилаб берилган вазифалар зарур чора-тадбирларни амалга ошириш кераклигини таъқозо этади. Бунда, энг аввало, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг мустақил ўрганиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Умумий таълим сифатини ошириш — тизимли иш. Бу борада биз, депутатлар ҳам тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда фаол иш олиб боришимиз, соҳага доир қонунлар ижросини жойларда назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ва мавжуд ҳуқуқий асосни такомиллаштиришимиз талаб этилади.

Бугунги шиддатли даврда ҳар бир давлатнинг, хусусан, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли ёшларга боғлиқ. Шу боис юртимизда инсон капиталини ривожлантириш, таълим тизимининг ҳар бир босқичида сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатлар замирида учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек буюк вазифалар стратегик мақсад қилиб қўйилган.

Барно БЕРДИЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутаты.

Бухоронинг туризм салоҳияти янада ошади

Туризм — иқтисодий, ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа. Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотига кўра, жаҳон ялли ички маҳсулотининг 10 фоиздан ортиги,

Тараққиёт локомотиви

Яна бир жиҳати, соҳа кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради. Шу боис мамлакатимиз, жумладан, Бухоро вилояти учун мавжуд туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Буни бир қатор кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, 2016 йил якунида Бухорога 169,6 минг нафар турист келган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич бир неча барабар ошди. Чунончи, жорий йилнинг 11 ойида вилоятга салкам 1,5 млн.-дан зиёд хорижий сайёҳлар ташриф буюрди. Уларга кўрсатилган хизматлар эвазига туризм экспорти 397 млн. АҚШ долларига етказилди. Ўз навбатида, юртимизнинг турли гўшаларидан Бухорога келган маҳаллий сайёҳлар сони салкам 3,8 млн. нафарни ташкил этди. Бу — 2023 йилнинг мос давридагига нисбатан 116,1 фоиз кўп.

Табиики, халқаро андозаларга жавоб берадиган инфратузилма объектиларини барпо этмай туриб, туризмни ривожлантириш мушкул. Бу борада Бухоро вилоятида қатор ишлар амалга оширилаётир. Масалан, ўтган 11 ойда 72 та жойлаштириш воситаси, жумладан, 15 та меҳмонхона, 15 та хостел, 42 та оилавий меҳмон ўйи фаолияти йўлга қўйилди. 43 нафар янги туроператор — турагент иш бошлади. Маҳаллий гид — экскурсоводлар учун юртимиз тарихи билан боғлиқ қатор мавзуларда семинарлар ташкил этилди. Сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган объектлар хатловдан ўтказилди. Туризм инфратузилмаси бўйича яратиб берилган имтиёз ва суб-

инвестицияларнинг — 7, солиқ тушумларининг — 5, истеъмолчилик харажатларининг 11 фоизи ва яратилаётган ҳар 16 та иш ўринининг биттаси айнан туризм ва меҳмондўстлик индустрияси ҳиссасига тўғри келмоқда.

сидиялар сабаб Бухорога ҳам “Wyndham”, “Mercure”, “Radisson”, “Sahid” каби халқаро меҳмонхона брендлари кириб келди.

Бухоро халқаро аэропортида тўғридан-тўғри ва чартер авиақатновлар сони 7-8 барабар кўпайди. Франция, Англия, Швейцария, Венгрия, Япония, Покистон, Саудия Арабистони, Қатар, Мальта, Озарбайжон, Беларусь, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон йўналишларида чартер авиақатновлар амалга оширилмоқда. “Афросиёб” тезюрар поезди қатнови 2 мартага кўпайтирилди.



Президентимиз ташаббуси билан Бухоро тарихий марказидаги қирқдан зиёд ва туманлардаги ўнлаб маданий мерос объектиларида реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Қадимий Арк қўрғонининг бир аср давомида эътибордан четда қолган тўрт гектарлик қисмида “Археологик парк” ташкил этилди. Жондор туманидаги Ушот қишлоғида “туризм кучаси” очилди. Туризм қўмитаси томонидан Вобкент туманидаги Ширин маҳалласига “Туризм қишлоғи”, Ёғдудвон туманидаги Қўрғон маҳалласига “Туризм маҳалласи” мақоми берилди. Натижада жорий ўн ойда туризм ва ёндош соҳаларда қарийб 15,8 мингта янги иш ўрни яратилди. Сайёҳлик ва ўнга ёндош соҳалардаги аҳоли бандлиги миқ-



хоро декларацияси” қабул қилинди. Сингапурда зиёрат туризми йўналишида шу йил 30 май куни “Crescent Rating” ташкилоти томонидан ташкиллаштирилган умумжаҳон саммитида Бухоро “Halal In Travel — Global Summit 2024” мукофотиغا муносиб деб топилгани ҳам бежиз эмас. Тизимда халқаро алоқалар тобора мустақамланмоқда. Вакилларимиз жорий йилда Эрон Ислом Республикаси, Россия Федерацияси, Сингапур, Малайзия, Индонезия каби давлатларда бўлиб, туризм соҳасида муҳим келишувларга эришди. Бухорода ўтказилган анъанавий Халқаро зардўзлик ва зарғарлик фестивалида, Халқаро зиёрат туризми ҳафталигида дунёнинг қатор давлатларидан олиму тадқиқотчилар, туроператорлар, соҳа масъуллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашиб, воҳанинг сайёҳлик салоҳиятига яна бир

Айни пайтда вилоятда 600 дан ортиқ катта-кичик жойлаштириш воситалари, йирик халқаро бренд асосида фаолият юритувчи ўнлаб меҳмонхоналар, гастрономик объектлар барпо этиш, транспорт логистикасини ривожлантириш чоралари қўрилмоқда. Бухоронинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар хорижий инвестиция киритилишига, иш ўринлари яратилишига, камбағалликни қисқартиришга, пировардида, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

Сўхроб БОБОКАЛОНОВ,
Бухоро вилояти туризм бошқармаси бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН – БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИЗНИНГ МУҲИМ СТРАТЕГИК ШЕРИГИМИЗ



Келгуси йилда мамлакатингизга Хитой электромеханика корхоналарининг ташрифни ташкил этишни режалаштирмоқдамиз, шунда бу корхоналаримиз Ўзбекистонни чуқурроқ тушунишлари мумкин бўлади.

Янги йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами кенгайиб, янада ривожланиб боришига ишонаман.

Мао ЛУ,
Хитой ва глобаллашув маркази бош котиби:

— Хитой ва Ўзбекистоннинг икки томонлама алоқалари тобора ривожланиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Хусусан, Марказий Осиё — Хитой формати доирасидаги ҳамкорлигимиз турли соҳаларни қамраб олмоқда.

Хитой учун “Бир макон, бир йўл” бўйидаги мамлакатларнинг муҳим қисми Марказий Осиёда жойлашган. Бу ерда ҳамкорлик учун янги бозор, салоҳиятли ёш кадрлар ва бошқа истиқболли имкониятлар мавжуд.

Жорий йил октябрь ойида мамлакатингизда ўтказилган парламент сайловларида қузатувчи сифатида иштирок этганимдан мамнунман. Ўзбекистондаги янгилиниш ва ўзгаришларнинг, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг гувоҳи бўлдим.

Ўзбекистоннинг Хитой билан алоқаларидаги улкан салоҳияти тўғрисида бутун Марказий Осиё биз учун муҳим стратегик йўлди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқалар билан бир қаторда, одамлар ўртасидаги маданий алмашинуви ҳам ривожлантириш жуда муҳим, деб ҳисоблайман.

Сам ЧЖАН,
Хитойнинг “Yutong” автобуслар ишлаб чиқарувчи компаниясининг Ўзбекистон бўйича директори:

— “Yutong”, асосан, автобуслар ишлаб чиқа-

ришга йўналтирилган катта компания бўлиб, бу ерда, шунингдек, юк машиналари, қурилиш техникасига ихтисослаштирилган транспорт воситалари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

Компаниямиз Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Мамлакатингиз жамоат транспорти учун 1500 дан зиёд автобусларни етказиб бердик. Шу билан бирга, турли вилоятларда мазкур автобусларга хизмат кўрсатиш шохбачаларини ҳам ташкил этдик.

Ўзбекистоннинг “яшил” энергия бўйича стратегияси доирасида жорий йил декабрь ойида мамлакатингизда қуёш ва шамол энергияси каби кўплаб йирик энергетика лойиҳалари ишга туширилганининг гувоҳи бўлдик. Улар орасида “яшил” энергияда ҳаракатланадиган жамоат транспорти соҳасида жами 422 та автомобиль янгиланди. Тошкент ва Самарқанд каби шаҳарларда ушбу жамоат транспорти воситаларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Компаниямиз автобусларни етказиб бериш билан бирга ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга ҳам кўмаклашмоқда.

Сун ТЯН,
«China Energy International Group» компаниясининг Евроосиё бўйича офиси директори:

— Бизнинг компания Ўзбекистоннинг энергия лойиҳаларида иштирок этмоқда ва инвестиция киритмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бундай муҳим ривожланиш жараёнида қатнашиш биз учун катта шараф. Аминманки, мамлакатингиз билан ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этади.

Биз янги лойиҳалар ва йўналишларда ҳамкорликка доим тайёриймиз.

Мен Ўзбекистоннинг янада тараққий қилишини ва халқингиз ҳаётининг янада фаровонлашини тилайман. Янги йилнингиз муборак бўлсин!

«Дунё» АА.
Пекин

Хавфсизликни таъминловчи ташкилот

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “CERT-CBU” Киберхавфсизлик маркази “APWG” халқаро ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Бу ҳақда банк матбуот хизмати маълум қилди.

Интеграция

“APWG” (Anti-Phishing Working Group — Фишингга қарши курашиш гуруҳи) халқаро ташкилотига аъзолик Марказий банк “CERT-CBU” Киберхавфсизлик маркази учун банк ва тўлов тизимларида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича тажриба алмашиш ҳамда дунё бўйлаб юзага келаётган киберхавфлар тўғрисидаги

огоҳлантиришлардан хабардор бўлиш каби имкониятларни тақдим этади.

Шу билан бирга, “APWG” ташкилотига аъзо бўлиш фишинг, “SMS” ҳужумлар, зарарли доменлар ва IP-манзиллар ҳақида катта миқдордаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали киберхавфсизлик хатарларининг олдини олиш бўйича самарали ҳаракатлар режасини тузишга ёрдам беради.

«Халқ сўзи».

Дил сўзи

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҲАМ РАҒБАТ, ҲАМ ИМКОНИАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан видеоселектор шаклида ўтказилган мулоқотда шу соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича йил якунлари ва 2025 йилга мўлжалланган режалар муҳокама қилингани биз, тадбиркорларни янада улкан марраларга чорлади, десак, муболаға эмас.

Кейинги йилларда Президент ва тадбиркорлар мулоқоти ўтказилиши яхши анъанага айланди. Учрашувлар шунчаки расмийлик учун бўлмапти, аксинча, соҳадаги масалалар, тақлифлар муҳокама қилиниши ва янги имкониятлар яратиши билан муҳим аҳамият касб этаётди. Бунга Ўз фаолиятимиз мисолида гувоҳ бўляпмиз.

Корхонамиз паррандачиликка ихтисослаштирилган. Илгари фақат парранда гўшти ва тухум етиштириш билан чекланардик. Йилдан-йилга берилаётган имтиёз ва шарт-шароитлар боис бугун кўп тармоқли йирик мажмуага айланиб бораётимиз, корхоналаримиз сони ортипти. Бу эса иқтисодий ривожланишга ва аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса бўлиб қўшиляпти. Масалан, биргина бизнинг тадбиркорлик тизимимизда беш юзга яқин одамлар доимий иш билан банд. Бундан ташқари, туманимиздаги “Янги Ўзбекистон” массивида Ёғдудвон тажрибаси асосида йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширяпмиз. Ва яна қўшимча 250 иш ўрни яратилади.

Аҳоли сони изчил ўсаятган бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифалардан. Боз устига, глобал иқлим ўзгаришлари, ер ва сув тақчиллиги қишлоқ хўжалигида қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тобора ривож топаётир. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари нархини барқарор сақлаш, бозорга доимий етказиб бериш учун совиткичи omborлар кўпаймоқда. Биз ҳам бу имкониятлардан фойдаланиб, йирик совиткич omborини ташкил этапмиз. Ушбу лойиҳамиз ҳам яқин ойларида ишга тушиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракати ортага қайтариб бўлмайдиган катта кучга айланганини айтган экан, “Биз давлат микёсида қандай катта мақсад ва вазифаларни ўз олдимишга қўймайлик, уларни амалга оширишда бутун халқимиз билан бирга, аввало, сизларга таянамиз. Тадбиркорларимиз қанча бой бўлса, халқимиз шунча фаровон яшайди, давлатимиз шунча қудратли бўлади. Тадбиркорнинг ютуғи — бу бутун халқимизнинг ютуғи”, деб алоҳида таъкидлади.

Видеоселектор шаклида ўтган муло-

қотда иштирок этиб, бу каби даъватли сўзлардан янада шижоат ва кучга тўлганимизни, ҳали олдинда бундан-да улкан марраларимиз борлигини ҳис қилдим.

Ўз навбатида, янги гоёлар учун имкониятлар янада кенгайтирилди. Масалан, IT-парк резидентларига барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этиш бўйича имтиёзлар 2040 йилгача узайтирилди. Хусусий мактаб ва богчалар, хорижий ўқитувчи ва мутахассислар учун берилган барча солиқ имтиёзлари 2030 йилгача амал қиладиган бўлди. Бундай имтиёздан фойдаланиб, хусусий богча, шунингдек, IT-парк, хорижий тилларни ўқитиш марказини ташкил этишни режалаштирдик. Бу ерда нафақат ишчиларимиз, балки ҳудуддаги камбағал оила фарзандларининг таълим-тарбия олишини йўлга қўямиз. Бу билан вилоятимизда жадал олиб борилаётган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида амалга оширилаётган хайрли ишларга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Учрашувда ишбилармон доира вакилларининг фикр-мулоҳазалари тингланиб, зарур чора-тадбирлар шу ернинг ўзига белгиланди. Хусусан, энди тадбиркорлар банк кредити билан çekланиб қолмасдан, халқаро стандартларга мослашиб, четдан мустақил маблағ олиб келиши кераклиги айтилди. Бунинг учун халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиб, тадбиркорларнинг ташқи молия бозорларига чиқишига кўмаклашувчи марказ очиладиган бўлди. Аминманки, тадбиркорларни ишончли ҳимоя қиладиган, қўллаб-қувватлайдиган Ўзбекистонда бизнес юритишни истовчи хорижлик сармоядорлар сони бундан-да ортади. Биз, тадбиркорларга четдан мустақил равишда маблағ олиб келиш қийинчилик туғдирмайди, аксинча, хориж бизнеси бизни танлайдиган давр келди.

2025 йил арафасида ташкил этилган ушбу мулоқот ишбилармонларга келгуси йил учун ҳам рағбат, ҳам имконият бўлиши билан бирга, янги режаларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

Жамшид АҲМЕДОВ,
Жарқўрғон туманидаги «Pattanda Kompleks Savdo» МЧЖ раҳбари,
«Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАҒСИЛОТЛАР

Бўзатовликларнинг қувончи чексиз

Янги йил байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминловчи замонавий иншоот фойдаланишга топширилди.



Президентимиз топшириғи билан аҳоли фаровонлигига хизмат қилувчи муаммоларни ва инфратузилмага оид энг долзарб масалаларни ҳал этишни назарда тутувчи лойиҳалар дастури ишлаб чиқилган эди. Дастурга мувофиқ Бўзатов тумани “Еркиндэря” ОФЙ “Байтерек” овули ҳудудида 3 млрд. сўм маблағ эвазига аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминловчи янги иншоот қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан бўзатовликларнинг қувончи чексиз.

Тошкент — Чорвоқ йўналишида мавсумий автобус қатнови йўлга қўйилди

Тошкент вилоятига келувчи хорижий ва маҳаллий сайёҳларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида пойтахтдан Бўстонлиқ туманига (“Чорвоқ” эркин туристик зонасига) жадвал асосида ҳаракатланувчи мавсумий автобуслар қатнови йўлга қўйилди.



Транспорт вазирлиғи хабарига кўра, мазкур қатновлар “Uzautotrans service” корхонаси томонидан “YUTONG” автобусларида жорий йилнинг 28 декабридан 2025 йилнинг 5 январь кунига қадар амалга оширилади.

Маълумот учун, автобуслар “Машинасозлар” метро бекатидан соат 9:00 ва 16:00 да жўнайди. Чорвоқдан эса 12:00 ва 18:00 да ҳаракатланади.

Мазкур йўналишда йўлқира нархи 20 минг сўм этиб белгиланган.

Ҳаммабон ишончли манба

Юртимизда аграр соҳани ривожлантириш ва билимларни кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи энциклопедияси” нашр этиляпти.



Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи маълумотига кўра уч жилддан иборат ушбу энциклопедия қишлоқ хўжалиғи соҳасининг тарихи, замонавий инновациялар, илгор технологиялар, экологик муаммолар, атамалар ва бошқа кўплаб муҳим мавзуларни қамраб олади. Илмий маълумотлар билан бирга, амалий қўлланмаларни ҳам ўз ичига олган мазкур китоб аграр соҳа ходимлари, олимлар, талабалар учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, энциклопедиянинг электрон муқобили ҳам ишлаб чиқилган. Унинг нашр этилиши аграр илмфан ютуқларини халқаро ҳамжамиятга тақдим қилиш, соҳага оид билимларни халқимизга етказиш ва янги инновацион ечимларни оммалаштиришда муҳим қадам ҳисобланади.

«Халқ сўзи».

«ЯШИЛ МАКОН» – МУСАФФО ҲАЁТ ЙЎЛИ

Дунёда кечаётгани каби мамлакатимизда ҳам экологик муаммолар кўпаяр экан, баъзи ҳолларда атроф-муҳитни қандай сақлаш инсоннинг ўзига боғлиқ эканини унутмаслигимиз даркор. Дейлик, боғу ўрмонлар сайёрамизнинг ўпкаси ҳисобланади. Бироқ sanoat инқилоби даврида одамлар дарахтлардан ёғоч ўрнида фойдалана бошлади. Дарахтларнинг кесилиши нафақат сайёрамизнинг биологик хилма-хиллигини камайтирди, балки глобал иситиш тезлаштиришга ҳам ҳисса қўшди.



Якун ва режалар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакатимиз бўйича 646 млн. туп дарахтни парваришлаш атроф-муҳитга нисбатан кам зарар етказган ҳолда аҳолини қурилиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш, иситиш ва бошқалар учун зарур ресурслар билан таъминлашга имкон берди. Ёки Орол денгизининг қуриган тубида саксовул ва чўл шароитига чидамли бошқа ўсимликлардан иборат яшил қопламалар 2 млн. гектардан ошди.

Давлатимиз раҳбари Оролбўйи минтақасига экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди мақomini бериш ташаббусини биринчи маротаба 2018 йил августда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари йиғилишида илгари сурган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюция қўллаб-қувватланди. Дунёнинг турли ҳудудларидаги 60 га яқин давлатлар мазкур резолюцияга ҳаммуаллиф сифатида иштирок этди. Оролбўйи минтақасидаги экологик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик вазиятни яхшилашга алоҳида эътибор қаратди.

Оролбўйида дарахтларни кўпайтиришдан маъно шуки, улар атмосферадан карбонат ангидрид, азот оксиди ва бошқа зарарли газларни ўзлаштириб, кислород чиқаради. Атроф-муҳитдаги биохилмаҳилликни сақлайди. Дарахтлар кўплаб ҳайвонлар, ҳашаротлар ва бошқалар учун озик-овқат, бошпана бўлиб хизмат қилади. Табиий офатлар ва инфекциялар хавфини камайтиради.

Шу боис ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳозирга келиб чинакам халқ

ҳаракатига айланди. “Yashilmakon.eco” электрон платформасида экилган кўчатларнинг тури, нави, қайси ташкилот томонидан экилгани ва масъуллари ҳақида маълумотлар мавжуд. Ҳар бир фуқаро мобил телефони орқали кириб, шу платформада ўзининг маҳалласида, кўчасида қандай кўчат тури экилгани, унинг сони, суғориш тизими, бириктирилган масъулларини кўриши мумкин. Бу лойиҳа фақатгина ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан аҳамиятли бўлиб қолмасдан, у халқимизнинг азалий анъаналари, қадриятларимизнинг бардавомлигига ҳам хизмат қилади.

“Менинг боғим” лойиҳасини ишга тушириш учун бюджетдан 50 млрд. сўм ажратилиши ҳам бежиз эмас. Жойларда 68 та яшил боғ ва жамоат паркинни ташкил қилиш белгилаб олинди. Саноат корхоналари, иссиқлик электр станциялари, гидроиншоотлар, сув омборлари атрофида ҳам кўчатлар экилиши белгиланди. Шунингдек, эндиликда чиқинди тўпландиган ҳудудлар атрофида ҳам терак, тут, гуҷум, заранг экиб, “яшил белбоғ” барпо қилинади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг жорий куз мавсумида Қорақалпоғистонда 5 млн. 599 минг туп кўчат экиш ишлари белгиланган бўлса, амалда ушбу режа 103 фоизга бажарилди. Шундан боғзорлар, тоқзорлар ва янги тутзорлар барпо этишга 1 млн. 660,7 минг туп, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда аҳоли томорқалари атрофида 1 млн. 37,7 минг туп кўчат ўтказилди. Ободонлаштириш бошқармалари ҳудудларида 955,1 минг туп, ўрмон фонди ерларига 508,3 минг, автомобиль ва темир йўл бўйларига 230,9 минг, дарёлар, каналлар, ариқлар ва зовурлар бўйларига экилган кўчатлар 158,1 минг тупга етказилди. Атроф-муҳитга таъсир хавфи бўйича юқори ва ўрта

даражадаги хавфли тоифаларга мансуб саноат корхоналари томонидан “яшил белбоғ”лар барпо этиш учун 48,3 минг туп дарахт ва бута кўчати экилди. Ижтимоий соҳа ва бошқа идора, ташкилотларнинг маъмурий бинолари атрофида ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчатлар экиш ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Экилган кўчатларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш ва “yashilmakon.eco” электрон платформасига кириштиш мақсадида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан 85 нафар ходим 80 та планшет, 18 та намлик ўлчовчи ускуна ҳамда 1 та учувчисиз учиш қурилмаси билан таъминланди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси туманларида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги мавсумда 24 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинида 33 та амалий семинар уюштирилди. Шаҳар ва туманларда юздан зиёд кўчат сотиш ярмаркалари ўтқа-

ва мутахассислар томонидан Оролбўйи иқлимига мос кўчатларнинг янги навларини яратиш ва парвариш қилиш, кўчат экиш агротехикасини тўғри ташкил этиш, янги ўсимлик турларини ҳудуд иқлимига мослаштириш, экиладиган кўчатларни касаллик ва зараркундалардан асраш каби мавзуларда батафсил маълумот берилди. Аёнки, “яшил” иқтисодиёт экологик тоза, энергия, сув ва бошқа табиий ресурсларни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этиб, экология хавфсизлигини таъминлайди. Мамлакатимизнинг 2019 — 2030 йилларда “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини рўйбга чиқариш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради. Иқлим ўзгариши шароитида самарали, ресурстежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2025 йилга “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”, деб ном берилишида чуқур маъно мужассам. Зеро,



зилди. “Экология боғи” яратиш мақсадида акция ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда “Сайғачий” мажма буюртма кўриқхонаси, “Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонаси, “Борсақелмас” давлат буюртма кўриқхонаси, “Жанубий Устюрт” миллий табиат боғи ҳамда Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ходимлари иштирок этди. Олим

яшил ҳудудлар кенгайиб, “яшил қалқон”лар кўпайиши она табиатимизни келгуси авлодларга бекаму кўст етказишда муҳим аҳамият касб этади. Ишонамизки, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қилинаётган хайрли ишлар бундан буён ҳам бардавом бўлади.

Лейли СЕЙТОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси экология,
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва
иқлим ўзгариши вазири.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

- | | |
|--|--------------------------|
| — Музыка тарихи ва танқиди кафедраси: | профессор — 1 ўрин; |
| — Композиторлик ва чолғулаштириш кафедраси: | профессор — 2 ўрин; |
| | доцент — 1 ўрин; |
| | катта ўқитувчи — 2 ўрин; |
| — Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси: | профессор — 1 ўрин; |
| — Концертмейстерлик маҳорати кафедраси: | профессор — 1 ўрин; |
| — Ўзбек тили ва ижтимоий фанлар кафедраси: | профессор — 1 ўрин; |
| — Ўзбек музыкаси тарихи кафедраси: | профессор — 1 ўрин; |
| | доцент — 2 ўрин; |
| | доцент — 1 ўрин; |
| — Оркестр дирижёрлиги кафедраси: | доцент — 2 ўрин; |
| — Торли чолғулар кафедраси: | доцент — 1 ўрин; |
| — Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси: | доцент — 1 ўрин; |
| — Факультетлараро фортепиано кафедраси: | доцент — 1 ўрин; |
| | катта ўқитувчи — 1 ўрин; |
| — Мусликий педагогика кафедраси: | катта ўқитувчи — 2 ўрин; |
| — Пуфлама ва зарбли чолғулар кафедраси: | катта ўқитувчи — 2 ўрин. |

Танловда қатнашиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда “OLTIN HUMO — 2024” миллий кино мукофотини топиришга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Эътироф



Мамлакатимиз кино санъати усталари ва мухлислари учун энг муҳим тадбирлардан саналган ушбу маросим Ўзбекистон Кинематография агентлиги, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Тадбирда қайд этилганидек, мазкур ижодий лойиҳа кино соҳасидаги энг ёрқин ютуқларни тақдирлаш ҳамда ўзбек кинематографиясидаги замонавий тенденцияларга ҳаққоний баҳо беришдан иборат. Тақдирлаш маросимида

Ўзбекистон Кинематография агентлиги бош директори Шухрат Ризаев Ўзбекистон миллий кино санъати ривожига қаратилаётган доимий эътибор тўғрисида кейинги йилларда тарихий ва замонавий фильмлар ишлаб чиқилиб, намоийш этилаётганини алоҳида таъкидлади.

Халқаро экспертлар, мутахассислар ва кино соҳаси билимдонларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан барча номинация ғолиблари аниқланиб, уларга мукофотлар тақдирланди.

«Халқ сўзи».

Келгуси йили Қорақалпоғистон илмий-амалий тиббиёт академияси ташкил этилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳаққоний маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопибитиш 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган кўлабмақаллар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахриратта марказда терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.

Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.05 Топирилди — 00.10 1 2 3 4 5 6